

“Ўзтрансгаз” АЖнинг

2021 йил “26” 10 даги

173 - сон буйруғига 1- Илова

**“Ўзтрансгаз” АЖ ва ташкилий тузилмаларида
коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш
УСЛУБИЁТИ**

1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур услубиёт “Ўзтрансгаз” АЖ ва ташкилий тузилмаларига (кейинги ўринларда - Жамият) юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келиб чиқадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

2. Куйидагилар Жамиятдаги коррупциявий-хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади ҳисобланади:

Жамият фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиши.

3. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйидагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутади:

Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

Жамиятда, коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

4. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки куйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Жамиятнинг ички хужжатлари ўзгариши;

Жамият тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

Жамият функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

5. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қолдик хавф-хатар – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чораларни қабул килингандан сўнг қолувчи хавф-хатар (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатни ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни

минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда);

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Жамият номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-харакатларни содир этиш хавфи;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш – Жамият томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган ҳаритаси – Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва Жамият функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига оловчи бирлашган хужжат;

коррупциявий харакатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

тартиб-таомил – Жамият функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган, ёхуд маълум бир функциянинг ажralmas элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гурухга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йиғиндиси;

функция – бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган Жамиятнинг ички жараён (фаолият йўналишлари)ларидан бири;

эксперт фикри – аниқ факт ёки ҳодиса бўйича ходим ёки бўлинманинг субъектив қараши ёки фикрига асосланган қарори.

ўзига хос хавф-хатар – Жамият фаолияти ва амалга оширилаётган функциялари спецификасидан келиб чиқадиган хавф-хатари, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобга олинмаган ҳолда (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиши сиёсати ва тартиб-таомиллари, хавф-хаталарни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар ҳисобга олинмаган ҳолда);

худудий ёки таркибий бўлинманинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси – Жамиятнинг худудий ёки таркибий бўлинмасидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда орган ёки муассаса функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдик коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига оловчи хужжат.

6. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Комплаенс-назорати бўлими томонидан Жамият бошқарув раиси (кейинги ўринларда - Жамият раҳбари) топшириғи асосида амалга оширилади. Жамият раҳбари топшириғида баҳолашни ўтказиш аниқ муддатлари кўрсатилади.

7. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Комплаенс-назорати бўлими кўйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда Жамиятда хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

Жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар, шунингдек ташкилот марказий аппарати, худудий ва таркибий бўлинмаларига мазкур Услубиётда кўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

марказий аппарат бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишади;

марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмаларнинг коррупциявий хавф-хатарлари харитасини Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасига умумлаштиради;

Жамият раҳбари ва тегишли худудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарларига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тақдим этади;

тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида худудий ва таркибий бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

марказий аппарат бўлинмаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқади ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул - Жамият раҳбари билан келишади;

марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури асосида Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқади;

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чоратадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади;

ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Комплаенс-назорати бўлими зарур ҳолларда марказий аппарат таркибий бўлинма раҳбарлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллардан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

8. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар қуидаги вазифаларни амалга оширади:

тегишли худудий ва таркибий бўлинмаларда коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланишини ташкил қилади ва ўтказади;

тегишли худудий ва таркибий бўлинмаларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан назоратни амалга оширади;

тегишли худудий ва таркибий бўлинмаларнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

тегишли худудий ва таркибий бўлинмаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларини ишлаб чиқади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

тегишли худудий ва таркибий бўлинмаларда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ушбу Услубиётида кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар зарур ҳолларда тегишли худудий ва таркибий бўлинма ходимларидан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

2 боб. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш

9. Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни тегишли буйруқлар ва уларда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолашнинг умумий муддати З ойдан ошмаслиги лозим.

10. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида Жамият ходимлари томонидан амалга ошириладиган айrim тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

11. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, пастдан тегишли марказий, худудий ва таркибий бўлинмалардан тепага (ташкилот даражасигача), мазкур бобнинг 12-21 бандларида кўрсатилган тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади.

12. Комплаенс-назорати бўлими ушбу Услубиётига 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича Жамиятнинг

марказий аппарати, худудий ва таркибий бўлинмаларига кўрсатма юборилишини таъминлайди.

Кўрсатмада тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини Комплаенс-назорати бўлимига тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

13. Жамиятнинг марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилиб, Комплаенс-назорати бўлимига марказий аппарат учун ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилади. Марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Комплаенс-назорати бўлими томонидан Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул - Жамият раҳбари билан келишилади.

14. Жамиятнинг худудий ва таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинманинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли худудий ва таркибий бўлинма раҳбарлари билан келишилади. Тегишли худудий ва таркибий бўлинма раҳбарлари билан келишилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Комплаенс-назорати бўлимига кўриб чиқиш учун киритилади.

15. Жамият марказий аппарати, худудий ва таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига оид саволлар юзага келган тақдирда, Комплаенс-назорати бўлими ходимлари тегишли таркибий бўлинмага изоҳ бериш ёки харитага тузатиш киритиш учун сўров юборади. Бунда, сўровга жавоб сўров олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда юборилиши лозим.

16. Комплаенс-назорати бўлими ходимлари ўз экспертлик фикрига таянган ҳолда Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

17. Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Комплаенс-назорати бўлими Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларининг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

18. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тузиш муддати, марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинманинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тасдиқланган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

19. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси Комплаенс-назорати бўлими тақдимномасига асосан Жамият раҳбари томонидан тасдиқланади.

20. Қолдик коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Комплаенс-назорати бўлими ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар ушбу Услубиётининг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп майил бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

21. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп майил бўлган лавозимлар рўйхати Комплаенс-назорати бўлими ва коррупцияга қарши курашиш

учун масъуллар тақдимномасига асосан ташкилот раҳбари ва тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

22. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар (тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарлари) томонидан тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида белгиланган чора-тадбирларга асосан ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ушбу Услубиётнинг З-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тасдиқланган санадан ўн иш куни ичидаги ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

Ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури Комплаенс-назорати бўлими билан келишилгандан сўнг тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

23. Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш дастури марказий аппарат бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда Комплаенс-назорати бўлими томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Жамият раҳбари томонидан тадиқланади.

3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги (ҳар йиллик) баҳоланиши

24. Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши доимий равишда, бир йилда камида бир марта, қоида тариқасида йил бошида Жамият раҳбарининг тегишли буйруғи асосида ўтказилади.

Кейинги (ҳар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

25. Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ушбу услубиётнинг 2-бобида кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

26. Ҳар йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Комплаенс-назорати бўлими Жамиятнинг марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари раҳбарларига олдинги баҳолаш даврига нисбатан конунчиликда ёки ички идоравий хужжатларга киритилган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ушбу Услубиётга 4-иловага мос шаклда Сўровнома юборади.

27. Комплаенс-назорати бўлими марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тўлдирилган Сўровномаларни йигади, таҳлил киласиди.

4-боб. Жамиятда амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби

28. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташкилотнига ички ахборот манбаларидаги маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

Жамиятнинг функцияларини тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатлар ва ташкилотнинг ички хужжатлари (мисол учун, таркибий бўлинмалар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тўғрисидаги низомлар ва ҳ.к.);

ички текширувлар материаллари, шу билан бирга хизмат текширувлари материаллари;

ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари; одоб-аҳлоқ комиссияси йигилишлари натижалари;

манфаатдор томонлар, давлат хизмати олувчилар, эксперталар ва бошقا манфаатдор шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича Жамиятнинг ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид мурожаатлар;

Жамият фаолиятидаги ҳукуқбузарликларга оид статистик маълумотлар;

коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожжатлари;

Жамият ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қиласлик тўғрисида ОАВдаги маълумотлар;

ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

29. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Жамиятнинг ҳар бир функцияси ва тартиб-таомили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиши имкониятлар борлиги бўйича таҳлил қилиш лозим.

30. Ҳар бир функция қўйидаги шкала бўйича баҳоланади:

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функция;

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функция.

31. Ўрганилаётган функция доирасида амалга оширилаётган тартиб-таомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш қўйидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

ўзига хос юқори хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўзига хос ўрта хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга бўрилади;

ўзига хос паст хавф-хатар хавф-хатарлар кўзда тутилмаган ва Жамиятнинг Комплаенс-назорати бўлимининг асосли хулосаси асосида истисно тариқасида кўлланилиши мумкин.

32. Қолдик коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ҳодисани амалга ошишининг эҳтимоли (мазкур Услубиётнинг 5-иловаси 5.1 жадвалдаги мезонларга қаранг) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (мазкур Услубиётнинг 5-иловаси 5.2 жадвалидаги мезонларга қаранг)ни ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарлар аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади (мазкур Услубиёти 5-иловасидаги 5.1 расм).

5 боб. Коррупциявий хавф-хатарнинг қолдик даражасини минималлаштириш чоралари

33. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини белгилашда:

ҳар бир чора Жамият ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равshan ифода этилиши;

ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олиниши зарур.

34. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам киритилади (мазкур Услубиётининг 6-иловаси).

35. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Комплаенс-назорати бўлими томонидан амалга оширилади.

6 боб. Якуний қоидалар

36. Зарурат бўлганда, Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Комплаенс-назорати бўлими томонидан Жамият раҳбарига таклифлар киритилади.

“Ўзтрансгаз” АЖ ва ташкилий тузилмаларида
коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш
Услубиётига
1-Илова
“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятида Коррупциявий
хавф-хатарлар харитаси

№	Функция номи	Функцияниг коррупция вий хавф-хатарга мойиллик даражаси(э нг кўп мойил / энг кам мойил)	Функция доирасида бажарила ётган тартиб-таомилноми	Тартиб-таомилни бажариш учун масъул бўлган шахслар (лавозими, бўлинмаси)	Эҳтимолий коррупция вий схема (хавф-хатар)нинг кисқача таърифи	Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар (юкори/ ўрта/паст)	Мавжуд назорат тартиб-таомиллари / коррупциявий хавф-хатарларни минималла штириш чоралари	Назорат тартиб-таомилла ри/ коррупциявий хавф-хатарларни минималла штириш чоралари	Назорат тартиб-таомилларни/коррупциявий хавф-хатарларни минималла штириш чора-тадбирлари ни амалга ошириш учун масъул шахслар (лавозими, бўлинмаси)	Қолдик хавф-хатар даражаси (юкори / ўрта / паст)	Коррупциявий хавф-хатарларни минималла штириш чора-тадбирларни амалга ошириш муддатлари	Изохлар (зарур холларда)
1												
2												

1. Бўлинма

- 1.1. Орган ёки муассаса номи
 - 1.2. Департамент/Бошқарма
 - 1.3. Бўлим
2. Тўлдириш учун масъул
 - 2.1. ФИШ
 - 2.2. Лавозими
 - 2.3. Боғланиш учун (электрон почта, телефон)

“Үзтрансгаз” АЖ ва ташкилий тузилмаларида
коррупцияий хавф-хатарларни баҳолаш
Услубиётига
2-Илова

**Коррупция хавф-хатарига энг күп мойил бўлган лавозимлар
РЎЙХАТИ**

№	Ташкилот номи	Ташкилот тузилмаси номи	Лавозим (функцияларини бажариш учун масъул бўлган шахсларни кўрсатган ҳолда)
1.1.			
...			
2.1.			
...			

“Ўзтрансгаз” АЖ ва ташкилий тузилмаларида
коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш
Услубиётига
З-Илова

**“Ўзтрансгаз” АЖ, унинг худудий ва таркибий бўлинмаларининг коррупцияга
карши курашиш дастури**

№	Ташкилот номи	Коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш бўйича чоралар/тадбирлар/тартиб-таомиллар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар (ФИШ, лавозими)
1.1.					
1.2.					
...					
2.1.					
2.2.					
...					

“Ўзтрансгаз” АЖ ва ташкилий тузилмаларида
коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш
Услубиётига
4-Илова

Коррупциявий хавф-хатарларни кейинги босқичда баҳолаш учун Жамият ва унинг бўлинмаларини таснифлаш бўйича сўровнома ШАКЛИ

ШАКЛИ

Күйидаги саволларга жавоб берсангиз (көркемдегін таңдаңыз):

1. Коррупцияий хавф-хатар сүнгги марта та баҳоланғандан сүнг қонунчиликда қандайдыр ўзгаришлар содир бўлганми? Агар жавоб ижобий бўлса, куйида келтирилган жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.

A) X_a

Б) Йүк

2. Таркибий бўлинмангиз томонидан бажариладиган тузилма ёки функция фаолиятини тартибга солувчи ички хужжатларда коррупциявий хавф-хатар сўнгги мартта баҳолангандан сўнг қандайдир ўзгаришлар содир бўлганми? Агар жавоб ижобий бўлса, куйида келтирилган шаклга тегишли маълумотларни киритинг.

A) Xa

Б) Йүк

3. Коррупцияий хавф-хатар сүнгги марта баҳолангандан сүнг Жамият фаолияти тузилмасида таркибий бўлинмангиз томонидан бажарилаётган функцияга таъсир қилган таъсир қилиши мумкин бўлган қандайдир ўзгаришлар юз бердими? Агар жавобингиз ижобий бўлса, куйида келтирилган шаклга тегишли маълумотларни киритинг.

A) Xa

Б) Йүк

4. Коррупциявий хавф-хатарларни аввалги баҳолашда күзда тутилган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилдими? Нима ва қачон амалга оширилганини таърифлаб беринг. Агар амалга оширилмаган ёки қисмай амалга оширилган бўлса, сабабини ёзинг.

A) Xa

Б) Йүк

В) Қисман амалға оширилған

5. Жамият тизими бўлинмаларида функцияларни бажариш ва тартиб-таомилларни амалга оширишга таъсир қўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитлар мавжудми? Агар жавобингиз ижобий бўлса, куйида келтирилган жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.

A) X_a

Б) Йүк

№	Ташкилот номи	Ташкилот тузилмаси номи	Функциялар ўзгаргани сабаблари	Ўзгарган функция таърифи	Функция доирасида бажарилаётган янги/ўзгарган тартиб-таомиллар	Тартиб-таомилларни бажариш учун масъул шахслар (ФИШ, лавозими)
1.1.1.						
1.1.2.						
...						

Жамият тизими муассасаси

Бўлинма

Тўлдираётган шахснинг лавозими

Түлдираётган шахснинг ФИШ

Гулдрастан шекерим 111ш
Имзо

Түлдирүүлсөн санаасы

Түлдпринш саласи _____

““Ўзтрансгаз” АЖ ва ташкилий тузилмаларида
коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш
Услубиётига
5-Илова

**5.1-жадвал – Коррупциявий хавф-хатар эҳтимоли даражасини
аниқлаш мезонлари**

Эҳтимоли	Таърифи
Юкори	<ul style="list-style-type: none"> — Ўзига хос хавф-хатар даражаси юқори — Назорат тадбирларининг мавжуд эмаслиги / сезиларли даражада кам-кўстини тўлдириш керак бўлган назорат тадбирларининг мавжудлиги — Тартиб-таомилни ички хужжатлар ёрдамида аниқ тартибга солиниши мавжуд эмаслиги — Тартиб-таомилни автоматлаштириш мавжуд эмаслиги/даражаси пастлиги
Ўртча	<ul style="list-style-type: none"> — Ўзига хос хавф-хатар даражаси ўрта — Тартиб-таомил тартибга солинган, кам-кўстини оз миқдорда тўлдириш керак бўлган назорат тадбирлари жорий этилган — Тартиб-таомил тартибга солинган, қисман автоматлаштирилган, бироқ етарли даражада шаффоғ эмас — Ўзига хос хавф-хатар даражаси юқори хавф-хатарни камайтириш учун етарли бўлган назорат тадбирлари, жумладан Жамиятнинг ички хужжатлари билан тартибга солинган, камида учта шахс томонидан кросс-функционал назорат (давлат органи ва ташкилоти худудий ва таркибий давлат бўлинмаларининг назорат қилиниши)ни кўзда тутувчи назорат тадбирларининг мавжудлиги — Тартиб-таомил қисман ёки тўлиқ автоматлаштирилган
Паст	<ul style="list-style-type: none"> — Ўзига хос хавф-хатар даражаси паст — Ўзига хос хавф-хатар даражаси ўрта ҳамда хавф-хатарни камайтириш учун етарли бўлган назорат тадбирлари, жумладан ички хужжатлар билан тартибга солинган, камида учта шахс томонидан кросс-функционал назоратни кўзда

Эҳтимоли	Таърифи
	<p>тутувчи назорат тадбирларининг мавжудлиги</p> <ul style="list-style-type: none"> — Тартиб-таомил тўлиқ автоматлаштирилган

5.2-жадвал – Коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат (таъсирчанлик) даражасини аниқлаш мезонлари

Оқибат даражаси	Обрўга путур етказиш	Жавобгарлик
Юкори	<ul style="list-style-type: none"> — Хавф-хатар ташкилотнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги обрўсига сезиларли равищада путур етказади 	<ul style="list-style-type: none"> — Ташкилот ходимларига нисбатан жиной иш кўзғатиш учун тегишли органларга хужжат юбориши ташаббуси билан чиқиши
Ўрта	<ul style="list-style-type: none"> — ОАВда салбий ҳодисанинг ёритилиши; — Аҳоли ва ҳамкорлардан салбий фикрлар ва шикоятлар олиш; — хавф-хатар ташкилот обрўсига маҳаллий даражада путур етказади. 	<ul style="list-style-type: none"> — Жамият ходимларига нисбатан маъмурий суриштирув ўтказиш учун хужжатларни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юбориши ташаббуси билан чиқиши
Паст	<ul style="list-style-type: none"> — Аҳоли, маҳаллий ОАВлардан вазиятга изоҳ беришни сўраб алоҳида сўровлар тушиши мумкин 	<ul style="list-style-type: none"> — Жамият тизими ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш ташаббуси билан чиқиши мумкин

5.1-расм. Қолдик хавф-хатар даражасини аниқлаш шакли

